

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТРАНСПОРТДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Шукуров Фарход Норқулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти

кафедраси катта, ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада ички ишлар органлари транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва мақоми, транспортда хавфсизликни таъминлаш фаолиятини тўлақонли бажаришлари учун уларнинг фаолияти қай даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги, бу борадаги муаммолар ва ҳал қилиш йўллари хусусан мазкур таркибий тузилмалар амалиётига жорий этилаётган янги тартиблар ва механизмлар юзасидан мулоҳаза юритилган.

Аннотация.

В статье рассматриваются правовые основы и статус деятельности органов внутренних дел подразделений транспортной безопасности, степень законодательной регламентации их деятельности в целях полноценного осуществления транспортной охранной деятельности, проблемы и пути решения в связи с этим, в частности, новые процедуры и механизмы, внедряемые в практику этих структурных структур.

Annotation. The article discusses the legal framework and status of the activities of the internal affairs bodies of transport security units, the degree of legislative regulation of their activities in order to fully implement transport security activities, problems and solutions in this regard, in particular, new procedures and mechanisms introduced into the practice of these structural structures.

Калит сўзлар. *хавфсизлик* – бу хавф-хатарнинг йўқлиги, хавф бўлмаган ҳолат маъносини англатади;

таъминлаш – ўзаги арабча «таъмин» сўзидан олинган бўлиб, таъмин қилмоқ, бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ маъносини англатади.

Йўловчилар хавфсизлиги – бу ҳар бир йўловчининг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноий ва бошқа ҳаракатлардан муҳофаза қилинганлик ҳолатидир. Уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида гап кетганда, транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ҳар бир йўловчининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши ва ҳимоялаши тушунилади.

Жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузулар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, ғавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик

ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди¹.

Ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари темир йўл ва ҳаво транспортлари объектлари ва ҳудудларида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида белгиланган вазифа ва функцияларини амалга оширувчи таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари мазкур вазифаларни тўлақонли бажариши, уларнинг фаолияти қай даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги билан ҳам боғлиқ. Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш учун, авваламбор, унинг тизими, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳамда уларни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш талаб қилинади.

Транспортда хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари деганда темир йўл ва ҳаво транспорти объектларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишда, қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган халқаро-ҳуқуқий ҳамда миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга айтилади.

Демак, транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари деганда қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосланган ҳолда темир йўл ва ҳаво транспорти объектларидаги фаолияти соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки мазкур бўлинмалар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик кучига кўра: халқаро ҳужжатлар; миллий қонунлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари; Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоралараро ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ идоравий қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг бир қатор, хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид бўлган нормалари барча давлат органлари каби транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда транспорт объектларида жиноятчиликка қарши курашиш, маълумотлар алмашиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, шунингдек халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бир қанча халқаро шартномаларга қўшилган. *Биринчидан*, «Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида»ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 12 декабрдан кучга кирди), «Ҳаво кемаларининг қонунга хилоф тарзда босиб олинишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция (Гаага) (Ўзбекистон Республикаси учун 1993 йил 29 декабрдан кучга кирди), «Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф тарздаги хатти-ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция (Монреаль) (Ўзбекистон Республикаси учун 1993 йил 29 декабрдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.

кучга кирди), «Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақида»ги Конвенция (Варшава) (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 6 майдан кучга кирди), «Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа актлар тўғрисида»ги Конвенция (Токио) (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 6 майдан кучга кирди) шунингдек Шанхай ҳамкорлик ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан тузилган икки тамонлама битимлар шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини бевосита тартибга солувчи, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги (1999 йил 15 апрель) қонунига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур қонуннинг темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чораларга бағишланган нормасида ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу қонуннинг темир йўл транспортида юклар ва объектларни қўриқлашга доир нормасида белгиланганидек, темир йўл транспортининг энг муҳим объектлари ва махсус юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари ва давлат бошқарув органларининг бошқа ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг мақсади темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари ҳамда атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Қонунда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, атроф-муҳит ҳимояси ва темир йўл транспортида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги ҳамда бу соҳадаги фаолиятнинг тизимлилигининг асосий принциплари этиб белгиланганлиги *биринчидан*, темир йўл транспортдан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилардан юқоридаги қоидаларга риоя этишни талаб қилса, *иккинчидан*, ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллигини кўрсатади.

Қонунга мувофиқ, темир йўл транспортдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади, бу соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари сифатида: Ўзбекистон темир йўллари акционерлик жамияти, темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва давлат хавфсизлик хизматининг ваколатлари бугунги кун талаблари асосида аниқ белгилаб берилган².

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонунининг 16-моддасида транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг мажбуриятлари берилган бўлса, 17-моддасида бу борадаги ҳуқуқлари белгиланган.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни ЎРҚ- 766-сон

Жумладан, мазкур қонуннинг 16-моддасида, жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши; йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мос келмайдиган йўллардан ҳамда темир йўлдан ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлаши; ўта хавфли ва махсус юкларни кўриқлаш ҳамда кузатиб бориш тадбирларини амалга оширишдаги мажбуриятлари белгиланган бўлса, 17-моддасида эса, террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада жисмоний шахсларни шахсий кўриқдан ўтказишни, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўриқдан ўтказишни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларини қўллаган ҳолда кўриқдан ўтказишни амалга ошириш; йўллар ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширишдаги вазифалари белгиланган.

Тўртинчидан, транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари темир йўл ва ҳаво транспорти объектларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини, хусусан, умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланган ваколат доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонуни талаблари асосида амалга оширади. Бундан ташқари, транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари махсус давлат органи сифатида фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (2014 йил 5 май), фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилишда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014 йил 25 сентябрь), ёшлар билан ишлашда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016 йил 14 сентябрь) ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (2017 йил 11 сентябрь) қонунлари талабларига амал қилиши шарт.

Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Қуйида, давлат ва жамият бошқаруви, хусусан, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари фаолиятини такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 йил 7 февраль) фармони ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларни амалга ошириш, шу жумладан транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича асосий талаблар ҳамда йўналишларни белгилаб берди. Мазкур Фармон билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи устувор йўналиши Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, хусусан, жамият ривожланишининг бугунги талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги мавжуд муаммо ва

камчиликларни бартараф этиш, тизим фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 14 март) қарори қабул қилинди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) ПФ-5005-сон фармонида ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга ошириш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар, хусусан, ички ишлар органларининг жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада шаклланган яхлит ҳуқуқий тизимдаги ўрни, тизимда амалга оширилган ислохотлар, соҳадаги жиддий камчилик ва муаммолар ҳақидаги хулоса ва фикрлар, шунингдек, тизимни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бевосита Транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматларига ҳам тааллуқлидир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 16 август) ПҚ-3216-сон ва «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2017 йил 29 ноябрь) ПҚ-3413-сон қарорлари транспортда хавфсизликни таъминлаш хизматларининг фаолиятини кадрлар билан таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Тошкент метрополитенида ички ишлар бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими негизида вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди. Шунингдек, мазкур қарор билан қуйидаги тартиб жорий этилди, унга кўра:

транспорт объектларида, биринчи навбатда туризм йўналишдаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича функциялар транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга ошириши;

транспорт объектларида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабар ва аризаларни ҳисобга олиш ва қайд этиш марказлашган тартибда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари томонидан амалга ошириши;

транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материалларни кўриб чиқишга доир қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича

ўринбосари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан келишилган ҳолда амалга ошириши;

туризм йўналишидаги темир йўл транспортида ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларда жамоат тартибини самарали таъминлаш учун кузатувчи профилактика инспекторлари лавозимларининг босқичма-босқич жорий этилиши натижасида бевосита поездларнинг ўзида амалга ошириши;

темир йўл вокзаллари ва аэропортлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш ва чек қўйиш ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга ошириш тартиблари белгиланди³.

Ислоҳотлар натижасида янада такомиллашиб бораётган ички ишлар органлари транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари бугунги кунда жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, жинойтчиликни жиловлашга ва унинг оқибатларини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда тизимга кирувчи барча таркибий тузилмалар ва уларнинг ходимлари ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий вазифалар ва фаолият йўналишларини қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ҳамда асосий принципларга риоя этган ҳолда юқорида кўрсатилган қонунлар ва қонун ости нормалари талабларига кўра амалга оширишлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2020. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20 (624). – 221-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229-сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4229-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2017.– № 12.– 134-м.
9. «Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида»ги Конвенция.
10. «Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа актлар тўғрисида»ги Конвенция.
11. «Ҳаво кемаларининг қонунга хилоф тарзда босиб олинишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция.
12. «Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф тарздаги хатти-ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция.
13. «Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақида»ги Конвенция.